XALQ DEPUTATLARI YANGIOBOD TUMANI KENGASH
QARORI

2022 - yil 31 - dekabr VI-50-211-3-54-K/22 Yangiobod tumani hokimligi

Янгиобод туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги Молия бош бошқармасининг 2022 йил 30 декабрдаги 01-20-08-33/173-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Янгиобод тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Янгиобод тумани маҳаллий бюджетининг даромадлари 21 867,563 млн. сўм, харажатлари 73 756,130 млн.сўм, республика бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган трансфертлар 51888,547 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. 2023 йил учун туманнинг даромадлар прогноз режа кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2023 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари тўлиқ туман маҳаллий бюджетида қолдирилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

- якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

- бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

- қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш йиғими ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

- мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ;

- фойда солиғи;

- харид қилинганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

5.Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш учун 2023 йилда ҳам қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкасидан келиб чиқиб маҳаллалар кесимида ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига Халқ депутатлари туман кенгаши вилоят кўрсаткичига нисбатан 0,7 дан 1,3 гача миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини белгилаш ҳуқуқи

сақлаб қолинади.

6.Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бошқармаси ва туман Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, молия йили давомида туман маҳаллий бюджетини баланслаштириш жараёнида назарда тутилмаган (ҳисобга олинмаган) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумлар кузатилса, ушбу тушумлар тўлиғича вилоят маҳаллий бюджетига ўтказилади.

8.Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари ҳамда республика бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ўтказиладиган тартибга солувчи трансфертлар миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туманнинг бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. Туманнинг туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10.Туманнинг туман бюджетидан 2023 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. 2023 йил учун туманнинг туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 670.853 млн.сўм миқдорида тасдиқлансин.

Туманлар ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туманнинг туман бюджети параметрларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

12. 2023 йил учун туман бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағи миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

13.Туманнинг туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар молия йили давомида Халқ депутатлари туман Кенгаши қарорлари асосида ишлатилиши белгилансин. Кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш ҳолатлари юзага келганда туман ҳокимлигининг қарор ва фармойишларига асосида ишлатилиб кейинчалик Халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот бериб борилсин.

14.Туман маҳаллий бюджетининг даромадлар прогноз кўрсаткичлари 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса туман ҳокимлиги вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш бўйича мурожаат қилади.

15.Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қўшимча равишда амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар туман маҳаллий бюджети ижроси давомида шаклланган қўшимча манбаалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

16.Туман ҳокимлиги туман бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

17. Бюджет ижросининг очиқлилигини таъминлаш мақсадида;

Бюджет маблағи тақсимловчилари;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштиради.

18.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б Р.Абдуғаниев, туман молия булими (Т.Шодмонқулов), туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Суюнов)
2023 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни

оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19.Мазкур қарор “Янгиобод овози” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

20. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

21.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (З.Назаркулова) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б. Р.Абдуғаниев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **И.Қаршибоев**

Xalq deputatlari Yangiobod tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-211-3-54-K/22-son qaroriga
1-ilova

Янгиобод туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлар режаси

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромад	шундан			
		Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Солиқ режаси	шундан	
				Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	Вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори
ЖАМИ	**25 873 951,0**	**4 743 630,0**	**21 130 321,0**	**17 123 953,0**	**4 006 368,0**
Янгиобод тумани	25 873 951,0	4 743 630,0	21 130 321,0	17 123 953,0	4 006 368,0

Xalq deputatlari Yangiobod tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-211-3-54-K/22-son qaroriga
2-ilova

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Т/Р	Туман номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
1	Янгиобод тумани	100	100	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100

Xalq deputatlari Yangiobod tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-211-3-54-K/22-son qaroriga
3-ilova

Янгиобод туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромадлар	шундан			Маҳаллий бюджет харажатлари
		Маҳаллий бюджет даромадлар	Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Тартибга солувчи трансферт миқдори	
Янгиобод тумани	73 756 130,0	17 123 953,0	4 743 630,0	51 888 547,0	73 756 130,0

Xalq deputatlari Yangiobod tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-211-3-54-K/22-son qaroriga
4-ilova

Янгиобод тумани бўйича 2023 йил йиллик даромадлар прогноз кўрсаткичлари

минг сўм

№	Манбалар номи	2023 йил учун Контингент режа	шундан	
			туман бюджетига	вилоят бюджетига
	Жами солиқ тушумлари	**21 502 823**	**17 123 953**	**4 006 368**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	674 100	674 100	0
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	1 350 346	0	1 350 346
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	10 844 124	10 844 124	0
4	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	165 000	165 000	0
5	Қўшилган қиймат солиғи	372 502	0	0
6	Акциз солиғи (бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун)	259 950	259 950	0
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	883 324	883 324	0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	750 000	750 000	0
9	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	1 263 317	1 263 317	0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2 116 000	2 116 000	0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	160 138	160 138	0
12	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда)	53 995		53 995
13	Давлат божи	1 615 047	0	1 615 047
14	Жарималар	610 413	0	610 413
15	Давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар	3 000	0	3 000
16	Хусусийлаштиришдан тушум	200 000	0	200 000
17	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	8 000	8 000	0

Жами маҳаллий бюджет даромадлари	**21 502 823**	**17 123 953**	**4 006 368**

18	Йиғимлар	173 567	0	173 567
19	Бошқа тушумлар	0	0	0

Xalq deputatlari Yangiobod tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-211-3-54-K/22-son qaroriga
5-ilova

2023 йилги Янгиобод туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Туман бюджети
Харажатлар миқдори, Жами		**73 756 130,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**73 756 130,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
1	**Мактабгача таълим бўлими**	**4 537 877,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**4 537 877,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Халқ таълими бўлими**	**7 365 544,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**7 365 544**
3	**Тиббиёт бирлашмаси**	**19 119 395,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**19 119 395**
4	**Маданият бўлими**	**1 823 226,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 823 226**
	шундан:	
	маданият сақлаш харажатлари	591 726
	мусиқа мактаби	1 231 500,0
5	**Спортни ривожлантириш бўлими**	**2 053 640,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 053 640**
6	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими**	**6 466 750,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**6 466 750**
7	**Ички йўлларни таъмирлаш харажатлари**	3 000 000
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 000 000**
8	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**398 116,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**398 116,0**
	шундан:	
	Қишлоқ хўжалиги булимини сақлаш харажатлари	398 116,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

9	**Молия бўлими**	**1 741 242,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 741 242,0**
	шундан:	
	Молия булими харажатлари	1 741 242,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Ветеринария бўлими**	**475 593,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**475 593**
	шундан:	
11	**Бандликга кўмаклашиш маркази**	**488 910,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**488 910,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Давлат ҳокимият органлари**	**16 520 999,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**16 520 999,0**
	шундан:	
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари	722 813
	Ижтимоий мослашув маркази	45 433
	Захира жамғармаси	670 853
	Ижтимоий нафақалар	11 971 383
13	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**6 000 000**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**6 000 000**
14	**Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун**	**226 874**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**226 874**
15	**Ёшлар Агентлиги туман бўлими**	**1 144 314,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 144 314,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Оила ва хотин-қизларни бўлими**	**714 399,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**714 399,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тумандаги ташкилотлари**	**202 612,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**202 612,0**
	шундан:	

	Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти	202 612,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациянинг тумандаги ташкилотлари**	**475 294,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**475 294,0**
	шундан:	
	Халқ қабулхонаси	**44 107**
	Туман ахборот кутубхона маркази	431 187,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими**	**629 897,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**629 897,0**
	шундан:	
	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20	**Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари**	**368 905,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**368 905**
21	**Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»**	**2543**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2543**
22	**Бошқа ташкилотлар**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Xalq deputatlari Yangiobod tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-211-3-54-K/22-son qaroriga
6-ilova

Янгиобод туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Янгиобод тумани	**241 000,0**